

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Ўзпартампонаж” АЖ
акциядорларининг
2023 йил 15 сентябрдаги
навбатдан ташқари умумий
йиғилиш қарори

“Ўзпартампонаж” акциядорлик жамиятининг
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА
Н И З О М

Қоровулбозор (шаҳар) - 2023 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом “Ўзпартампотаж” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда - Жамият) коллегиял ижроия органининг мақомини белгилайди ва унинг фаолиятини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш Жамият Устави ва ушбу Низом билан белгиланадиган коллегиял ижроия орган (кейинги ўринларда – бошқарув) томонидан амалга оширилади.

1.3. Кузатув кенгашининг қарорига кўра ижро орган ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)га берилиши мумкин. Агар жамият Уставида ўзгача қоида назарда тутилган бўлмаса, шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.4. Мазкур Низом “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.5. Жамият бошқаруви сони 3 (уч) аъзодан иборат. Ижро органи таркибига қуйидаги лавозимлар кирида:

- Бошқарув раиси;
- Бошқарув раисини ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринбосари;
- Бош ҳисобчи.

II. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамият бошқарув аъзолари кузатув кенгаши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади). Бунда, ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

2.2. Бошқарув аъзоларини сайлаш тартиби жамият Уставида белгиланади. Бошқарув аъзоларини сайлаш қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

2.3. Бошқарув аъзолари лавозимларига танлов ўтказиш тартиби, номзодга қўйиладиган талаблар жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

2.4. Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги кузатув кенгашининг қарори йиғилишда қатнашаётган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилилик овози билан қабул қилинади.

2.5. Бошқарув аъзолари лавозимларига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқиладиганда кузатув кенгаши йиғилишида қатнашишлари мумкин.

2.6. Бошқарув аъзолари лавозимларига номзодлар сайлангандан (тайинлангандан) кейин кузатув кенгаши у билан 3 (уч) йил муддатга шартнома тузади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш

тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши мумкин. Шартнома жамият номидан кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Бошқарув аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.7. Бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдори жамият фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бунда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъқиқланади.

2.8. Жамият кузатув кенгаши, бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар ушбу шартнома шартларини, жамият уставини қўпол равишда бузса ёки уларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан жамиятга зарар етказилса, улар билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эга.

2.9. Жамият томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фондлари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, бошқарувнинг фаолият самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (ҳар қандай уйғунликда) ва/ёки умуман баҳоланмаган бўлса, ёхуд унинг натижалари Давлат активларини бошқариш агентлиги расмий веб-сайтида жойлаштирилмаган тақдирда, ижро органи раҳбари ва/ёки аъзолари билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала жамият кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

2.10. Кузатув кенгашининг бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

2.11. Жамият кузатув кенгаши томонидан бошқарув раҳбари ва/ёки аъзоларининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, уларнинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият бошқарув раҳбари ва/ёки аъзоларининг вазифасини вақтинча бажарувчи шахсларни тайинлаши мумкин.

III. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ВАКОЛАТИ, ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бошқарув ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

3.3. Бошқарув жамият Уставида, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорларида, Кузатув кенгаши қарорларида, улар билан тузилган меҳнат шартномасида ва қонунчилик билан белгиланган ваколатлари доирасида иш тутади.

3.4. Бошқарув раҳбарининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамиятнинг Устави ёки бошқа ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жамиятнинг мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф қилиш, бундан жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;

- шартномалар ва контрактлар тузиш, бундан жамият Уставида ва Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида жамият акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатига киритилган битим (шартнома)ни тузишга (розилик бериш талаб қилинадиган) ҳоллари бундан мустасно;

- жамият номидан ишончномалар бериш;

- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар очиш;

- жамоа шартномаларини тузиш;

- жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган ҳолатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;

- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;

- ходимларнинг штат жадвалини тасдиқлаш;

- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун жамиятнинг хизмат ва тижорат сири деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;

- жамиятда меҳнат қонунчилиги бўйича буйруқлар ва қарорлар қабул қилиш ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

- ўз ваколат доирасида ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолият масалалари бўйича буйруқлар чиқариш;

- жамиятнинг молиявий-иқтисодий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- жамият ижро органи йиғилишларининг баённомаларини тасдиқлаш.

3.5. Бошқарув қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;

- жамиятнинг миждозлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

- **ходимларнинг штат жадвалини белгилаш;**

- жамиятда меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ жамият ходимларига иш ҳақини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билан иштирок этиш коэффициентлари) белгилаш;
- жамият таркибига кирувчи бўлимлар фаолиятини бошқариш ва улар учун мажбурий бўлган қарор, буйруқ ва фармойишлар чиқариш;
- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларини жамият номидан овоз бериш бўйича кўрсатма бериш;
- жамият хўжалик таваккалчилигини ва ижро органининг жавобгарлигини суғурталашни амалга ошириш;
- жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;
- қонунчиликда, жамият уставида ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларларни амалга ошириш.

3.6. Бошқарувининг мажбуриятлари:

- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаш;
- ижро органи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;
- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда жамият манфаатларини ифодалаш;
- давлат ва жамият учун муҳим бўлган ахборот ва масалаларни ўз расмий ижтимоий саҳифаларида ошкор қилиш;
- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқишига раҳбарлик қилиш, уларни ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, уни ишончилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;
- ҳар чоракида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, жамият томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисоботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисобот бериш;
- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар жамиятнинг Кузатув кенгаши, ички аудит хизмати ёки жамият аудитори талабига кўра тўсиқларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;
- жамият ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил

этувчи маълумотлар рўйхатини Кузатув кенгаши томонидан белгилашни ташкиллаштириш;

- жамиятни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

- ўзларининг ҳамда жамият мансабдор шахсларининг ўқув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;

- меҳнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;

- ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

- жамоа музокараларида ижро органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамиятнинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

- агар, жамият томонидан битим тузилишида у аффилиланган шахс ҳисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш;

- жамият ходимларига иш ҳаққи ва унга тенгалаштирилган тўловларни ўз вақтида ва тўла тўланишини таъминлаш;

- жамият бизнес-режасида белгиланган кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш қувватларини ошириб бориш, жамият фаолиятини кенгайтириб бориш, фаолият самарадорлигини ошириб бориш;

- жамият мол-мулки, асосий воситалари, кўчар ва кўчмас мулкларининг бут сақланишини таъминлаш ва уларни талон-тарож қилинишига олиб келувчи ҳолатларни бартараф этиш ҳамда талон-тарож қилинишини олдини олиш;

- жамият дебиторлик қарздорлигини камайтириш чораларини кўриш;

- жамият кредиторлик қарздорлигини, шу жумладан, иш ҳаққи, бюджет ва бюджетдан ташқари, дивиденд, бошқа қарздорликларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш;

- жамият мулкани бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

- жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан

шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

- ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

Бошқарув аъзоларининг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари улар билан тузиладиган меҳнат шартномасида белгиланади.

3.7. Бошқарув вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

IV. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Бошқарув аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади.

Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

4.2. Бошқарув аъзолари ўз вазифасини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ жамиятга етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида жамият олдида жавоб беради.

4.3. Жамият ёки жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида бошқарувга нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.